

**Каримова Мияссар Жамолиддиновна**

*тарих фанлари номзоди, Ўзбекистон тарихи кафедраси катта ўқитувчиси  
Тошкент педиатрия тиббиёт институти*

**Ахмедова Муборак Ахмедовна**

*Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти кафедраси мудири  
фал.ф.н, доцент*

*Тошкент педиатрия тиббиёт институти*

**Алимова Муhiba Музаффаровна**

*Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти кафедраси катта ўқитувчиси  
Тошкент Педиатрия тиббиёт институти*

*Ўзбекистон Республикаси Тошкент ш.*

## ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИДА ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ҲАЁТ

**Аннотация.** Мақолада хунармандчиликнинг юксалиши кўп жиҳатдан ички ва ташқи савдонинг умумий ҳолатига боғлиқ бўлиб, шунинг учун ҳам Темурийлар даврида мамлакатнинг иқтисодий ҳаётда муҳим ўрин тутган тижоратчиликнинг кенгайишига, шаҳарларда карвонсаройлар, карвон йўллари кесишадиган жойларда катта-кичик работлар, ёмлар, хонақоҳлар, чўл зоналарида сардобалар қурилишига, карвонларнинг хавфсизлигини таъминлашга катта эътибор берилган ва бу мамлакатнинг юксалишига асосий омил бўлиб хизмат қилганлиги, ёритиб берилган. Мақолада мамлакатнинг иқтисодини кўтаришда ички ва ташқи савдо, хунармандчилик, дехқончилик ҳамда чорвачиликнинг ривожланиши, хунармандчиликнинг ихтисослашиш жараёни тезлашиб, унинг кўплаб янги соҳалари вужудга келганлиги кўрсатилган.

**Калит сўзлар:** Темурийлар, «Буюк ипак йўли», хунармандчилик, савдо-сотиқ хунармандчиликнинг ихтисослашуви, ободонлаштириш, сув таъминоти

**Аннотация.** В статье изучены процессы построения различных работ (внешний город), мавзолеев (ханаках), в степях колодцев (сардоба) на перекрестках караванных путей, развития специализация ремесла в эпоху Темуридов тесно взаимосвязанное с развитием внутренней и внешней торговли которая играла очень важную роль в обеспечение безопасности и торговых путей установлению торговых, дипломатических отношений между западом и востоком. А также в статье исследованы, основные факторы развития экономики и предпринимательства в период правления Темуридов.

**Ключевые слова:** Темуриди, «Великий щельковый путь», специализация ремесла, благоустройство.

**Summary.** The article deals with processes of construction for different rabats (external city), mausoleums (hanaks), steppe wells (sardobas) on crossing of caravan ways, development and specialization of trades in Temurids' epoch, that had close interconnection with home and foreign trade, that played very important part in guarantee security for commercial ways. And, also at Temurids' government the main factors of economy and enterprise were researched in the article.

**Key words:** Temurids' relatives from sitate property), tarhon (lands being giver to emirs, beys, officials of palace), vacuq property (of masques and sheikhs), state property and private landed property.

Темурийлар даврида мамлакатни ободонлаштириш ва кишлок хўжалигини ривожлантириш мақсадида, сув таъминоти катта эътибор беришган. Улар Мовароуннаҳр ва Хуросонда катта-кичик дарё ва сойлардан йирик ирригация тармоқларини чиқариб, коризлар қазилган, сув омборлари ва ҳовузлар барпо этиб, сув тансиқ бўлган айрим вилоят ва воҳалар, шаҳару кишлокларнинг сув таъминотини яхшилашганлар. Қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириб, обикор ерлар-

нинг майдонини кенгайтириб, янги-янги кишлоклар, чорбоғлар ва сайилгоҳ бўстонлар барпо этганлар.

XV асрнинг биринчи ярмида Мовароуннаҳр ва Хуросонда Шоҳрух ва Улуғбек ҳукмронлик қилган йилларда ирригация ишлари айниқса кенгайган. Дехқончилик воҳаларининг сув таъминоти тартибга солинган. Даштларга сув чиқарилиб янги ер майдонлари ўзлаштирилган. Бу борада хусусан соҳибқироннинг дашт жойлардан янги ерларни очиш, коризлар

казиб, боғлар барпо қилиш ва қаровсиз қолган ташландик ерларни суғориб, обод этиш учун амалга оширган ҳар қандай фаолияти, Темурийлар томонидан қўллаб — қувватланган. Ҳатто бундай соҳибкорлар бир-икки йил давомида ҳамма солиқ ва тўловлардан озод этилган.

Бу даврда Темурийлар ва уларнинг вилоят ҳокимлари томонидан Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё, Марв воҳаларида, Тус ҳамда Ҳирот ва унинг атрофида йирик суғориш иншоотлари барпо этилиб, айрим деҳқончилик вилоятларининг сув таъминоти тубдан яхшилади. Темурийлар ҳукмронлик қилган даврда амалга оширилган энг йирик суғориш иншоотларидан бири Самарқанд воҳасида Зарафшон дарёсидан сув олган Дарғом анҳоридан чиқарилган қадимги Анҳор каналининг қайта тикланиши бўлди. Замонасининг энг йирик суғориш тармоғи ҳисобланган бу канал орқали Зарафшон дарёси сувининг бир қисми Қашқадарёга ташланиб, унинг адоғида жойлашган деҳқончилик ерлари сув билан таъминланади. Улуғбек ҳукмронлиги даврида (1409–1449 ймлар) Бухоро воҳасининг жануби-шарқий чегарасига ёндошган Сомонжук даштига сув чиқарилиб, янги ерлар ўзлаштирилган.

Мўғуллар босқини даврида Муғроб дарёсининг бузиб ташланган бош тўғони Султонбандининг Шохрух томонидан тикланиши ва суғориш тармоқларининг лойқадан тозаланиши туфайли Марв шаҳри ва Мурғоб воҳаси сув билан етарлича таъминланган ҳамда сувсизликдан қийналган шаҳар атрофидаги ерларга қайта сув чиқарилиб, деҳқончилик ер майдони кенгайтирилди. Султон Ҳусайн Мирзо ҳукмронлик қилган даврда эса, унинг ташаббуси билан Марвируддан янги канал чиқарилиб, каттагина ер майдони суғорилиб обод этилади.

Бу даврда Ҳирот ва Машҳад шаҳарлари атрофларида Алишер Навоийнинг ташаббуси билан амалга оширилган суғориш ишлари айниқса диққатга сазовордир. Навоий Тус вилоятининг юқори қисмида жойлашган Чашмагул мавзеида Турукбанд сув омборини қурдиради. Ўн фарсах (60–70 км) узунликда махсус канал казилиб, Турукбанд сув омборида жамғарилган сув Машҳадга олиб келинади. Натижада Машҳад шаҳрида сув таъминоти яхшиланган, шаҳар атрофидаги ерларга ҳам сув чиқарилиб, обод этилади. Бу даврда муҳандислик суғориш иншоотлари қуриш ишлари такомиллашган. Темурийлар ва уларга тақлид қилган вилоят ҳокимлари томонидан Мовароуннаҳр ва Хуросон шаҳарлари атрофида истироҳат боғлари барпо этиш муносабати билан кўплаб суғориш тармоқлари чиқарилиб, улар тошховуз, дарғот, нова чиғир, чархпалак, қайнама, шаршара, осма кўприк, хандақ, тазар, сардоба каби турли-туман сув иншоотлари билан жиҳозланган.

Бу даврда кишлок хўжалигида ғалла, сабзавот ва полиз экинларининг маълум бўлган деярли ҳамма навлари етиштирилган. Боғдорчиликка зўр аҳамият берилган, мевали дарахтларнинг кўпдан-кўп навлари ўстирилиб, мамлакат аҳолиси ёзда хўлмева, киш ва баҳор мавсумларида эса қуруқ мевалар билан таъминланган. Хўжаликнинг асосий турларидан яна бири чорвачилик эди. Мамлакатнинг иқтисодий ҳаётида айниқса яйлов чорвачилиги: йилкичилик, қўйчилик, жумлажан қоракўлчилик, туячилик, қорамолчилик муҳим ўрин тутган. Шубҳасиз, кишлок хўжалиги соҳасида етиштирилган моддий бойликлар хоҳ у деҳқончилик, хоҳ чорвачилик маҳсулотлари бўлмасин меҳнаткаш халқнинг оғир ва машаққатли меҳнати туфайли вужудга келтирилган. Бироқ, унинг тақсимоти мамлакат аҳолиси юқори табақалари ва амалдорларнинг манфаатларига мослаштирилган.

Аввалги даврларда бўлганидек, бутун XV аср давомида Мовароуннаҳр ва Хуросонда ер ва мулкчиликнинг асосан тўрт шакли: «мулки девоний»- давлат ерлари, «мулкий»-хусусий ерлар, «мулки вақф»- мадраса ва бошқа диний идоралар тасарруфидаги ерлар ва ниҳоят «жамоа ерлари» бўлган. Деҳқончилик ерларининг катта қисми давлат мулки ҳисобланган. Бу ерларга аввалгидек мамлакат ҳукмдори — султон ёки амирлар эгалик қилган. Темурийлар даврида ҳам давлат ерларини суюрғол тарзида инъом қилиш кенг тарқалган.

Бу даврда Мовароуннаҳрнинг Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Шохрухия, Андижон, Термиз, Шаҳрисабз, Қарши ва бошқа кўпгина шаҳарлари ўзининг географик қиёфаси, аҳолисининг касб-кори, ички ва ташқи алоқалари билан ўрта аср Шарқининг ҳунармандчилик ва гавжум савдо марказларига айланади. Ҳунармандчилик ривожланиб, турли-туман тармоқлари бўйича ихтисосланишнинг кучайиши, шаҳарларнинг тарихий топографиясини ҳам ўзгартириб юборади. Шаҳарларда ҳунармандчилик маҳаллаларининг сони ортиб, касб-ҳунар билан боғлиқ бўлган янги-янги гузарлар, кўчалар, бозор-расталари, тим ва тоқлар (усти гумбазли бозор) — чорсулар вужудга келган. Кўпгина шаҳарларда заргарон (заргарлик), мисгарон (мисгарлик), сўзангарон (игнасослик), совутсозон (совутсозлик), сангтарашон (тоштарошловчилар), шишагарон (шиша пиширувчилар), чармгарон (кўнчилик), камонгарон, пичоқсозлик, эгарчилик каби ҳунармандчилик маҳаллалари бўлган. Ҳунармандчилик соҳасида тўқимачилик, кулолчилик, чилангарлик (металл буюмлар ясаш), темирчилик ва бинокорлик етакчи ўринни эгаллаган. Бу даврда шаҳар ва кишлок аҳолиси, даштларда яшовчи ярим кўчманчи ва кўчманчи чорвадорлар ўртасида тўқимачилик маҳсулотларига талаб ғоят катта эди. Шаҳарларда ип, ипак, жун, зиғир

ва каноп толасидан турли хилдаги рангдор, гулдор ҳамда нафис ва дағал газмоллар кўплаб тўкиб чиқарилган. Масалан, ўша пайтларда оқ, яшил, малла, зангори, бинафша ва сувранг ип калаваларидан карбос, яъни бўз, гулдор чит, оқ сурп, нафис зарлар берилган майин дока-фута; жундан олачалар; каноп толасидан қатон каби турли хил газламалар тўкилган. Бу матолар нисбатан арзон бўлиб, ундан ички кийимлар, устки либосларнинг астарлари, кўрпа-тўшаклар тикилган. Маҳаллий ва четдан келтирилган ипақдан турли нав шойи газламалар тўкиш кенг йўлга қўйилган. Шойи матолар, қирмизи ва зангори духобалардан зарбоф либослар тикилган. Шойи матолар ва зардўзи буюмлар зеб-зийнат даражасида кадрланар ва улардан, асосан сарой аёнлари ва мулкдор табақа вакиллари кийинган ва фойдаланган. Бу даврда жундан ҳар хил гулли, қалин патли ва тақир гиламлар, палослар ҳам тўкилар ва наматлар босилган. Намат, уй-рўзғорда фақат тўшама сифатида эмас, балки ҳарбий ихота кийим-бошлар тайёрлашда ҳам кенг ишлатилар эди. Гилам, палос ва наматлар шаҳарли хунармандлардан ташқари, кишлоқ, хусусан чорвадор аҳоли томонидан ҳам кўплаб тайёрланар эди. Шаҳарларнинг тўқимачилик маҳаллалари ва гузарларида, уларга яқин жойларда пиллакашлар, калавачилар ҳамда мато ва калаваларга бўёк берувчи нилчи рангрезлар, читга гул босувчи муҳракш ва читгарлар истиқомат қилишган.

Бу даврда кулолчилик ҳам ривожланиб, сирланган сопол буюмлар бадий жиҳатдан ранго-ранглиги, шакли ва турининг хилма-хиллиги ҳамда сифатлиги билан ажралиб турган. Уларнинг аксарияти сидирға оқ сирли бўлиб, сиртига тўқ зангори ёки яшил, баъзан қора ёки қизғиш нақшлар туширилган. Норин товоқлари, шоҳ коса, лаган ва кўзалари, мойчироқ ва шамдонлари бадий жиҳатдан юксак даражада бўлган. Сирсиз арзон идиш товоқлар, хум ва хумчалар ҳамда болалар учун ясалган майда ўйинчоқлар меҳнат аҳлининг кенг табақаларига жуда асқотган. Булардан ташқари кулоллар сув қувурлари, чиқир ва чархпалак кўзачалари (дигир), кориз лағми гардиши (гёл) ва бошқа кўпгина сопол буюмлар пиширганлар. Айни вақтда бинокорлик ашғёлари ишлаб чиқарадиган кошинпазлик, парчинсозлик, ғишт ва ғишт тахталар пиширадиган соҳалар ҳам ривожланди.

XV асрда металдан қурол-яроғ ва рўзғор буюмлари яшаш такомиллашди. Жумладан, миҳ ясовчилар, тақачилар, сим ясовчилар, пичоқчилар каби турли хил буюм ясовчи усталар бўлган. Самарқанд салтанат пойтахти сифатида аввалгидек қурол-яроғ ясаладиган марказ бўлиб қолади. Шаҳарда махсус совутсозлар маҳалласи қарор топган эди. Қуролсозликда қилич, қалкон, ўк-ёй, дубулға ва совутлар ҳамда жибалар ясаларди. Мис ва жездан турли хил уй-рўзғор буюм-

лари ясалган ва майда мис чақалар зарб қилинган. Самарқандда шишасозлик яхши ривожланган. Шишасозлар кўзача, қадах, сиёхдон, доридон, сурмадон, тувак ва сумаклар ва бошқа турли хил рўзғор буюмларини ясаганлар.

Темурийлар даврида тош йўниш ва унга сайқал бериш, ўймакор нақшлар ва ҳушхат ёзувлар битиш санъати такомиллашган. Самарқандда Бибиҳоним жоме масжиди ҳовлисида Қуронни қўйиш учун мрамрдан ишланган улкан лавҳ (курси), Улуғбекнинг Гўри Амирда Темур қабрига қўйдирган нефрит тоши, Шоҳи Зинда ва бошқа сағаналарнинг мраммар тошлари ва уларга ишланган жимжимадор нақшлар, ўймакорлик билан битилган оят, марсия каби битиклар халқ хунармандчилигининг юксак бадий асар наъмуналаридан бўлиб, уларда тош йўнувчиларнинг меҳнати ва санъати билан хатотларнинг зўр маҳорати уйғунлашиб кетган.

Мирзо Улуғбек даврида ободончиликка эътибор янада кучайган. Шаҳарда янги-янги иморатлар қад кўтарди. Жумладан, шаҳар майдонининг ўртасида у бир-бирига рўбарў мадраса ва хонақоҳ бино қилиб, бу икки мақомни қуриб тамомлаш борасида бир неча йил давомида саъй-ҳаракатлар кўрсатди. Яна Самарқанднинг шимоли-шарқида мос бир жойни тайин қилди ҳамда шуҳратли ҳакимларнинг ихтиёри бўйича у ишни бошлашга мувофиқ бир толе муқаррар қилинди. У (расадхона)нинг биноси давлат асосидек пойдор, пойдевори эса салтанат қондасидек устивор қилиб мустаҳкамланди, иморатини тиклаш ва устунларни кўтариш омон тарзда бажарилди. Самарқанд ва Ҳиротда қурилиш ишларининг авж олиши бинокор усталарга талабни кучайтирган. Қурувчилик такомиллашиб, бинокорлар орасида меъмор, муҳандис, ғишт терувчи, сувоқчи-ганчкор, ганчкор-наққош, тош йўнувчи ва дурадгорларнинг мавқе ортди. Бинокор усталар, касбларига кўра, ғишт териб иморат қаддини бино қилувчилар, парчин ва тирихлар коплаб иморатга пардоз берувчи «устод»ларга ажралди.

Мовароуннаҳр ва Ҳуросоннинг марказий шаҳарларида тепаси тим қилиб ёпилган янги-янги бозор-чорсуларнинг сони кўпайиб, расталар кенгайган. Шаҳарларда ички савдо гавжумлашиб, шаҳарлар билан деҳқончилик воҳалари ва кўчманчи чорвадор дашт аҳолиси ўртасида савдо-сотик алоқалари кенгайди.

Темур ва унинг маҳаллий ноиблари Хитой ва Ҳиндистонда Ўрта Осиё орқали Яқин Шарқ ва Европа мамлакатларига йўналган асосий халқаро савдо «Буюк ипақ йўли»ни эгаллаб, савдо қарвонлари қатнови хавфсизлигини таъминлашда муҳим чора-тадбирлар кўришган, Шарқ билан Ғарб ўртасида савдо-сотик ва элчилик алоқаларини ҳар томонлама ривожлантиришга катта эътибор беришган. XV асрда Темурийлар

давлатининг қўшни мамлакатлар билан савдо алоқалари янада гавжумлашади. Айниқса Хитой, Ҳиндистон, Эрон, Волга бўйи ва Сибирь билан мунтазам савдо-сотик қилинган. Хитойдан асосан ипак, шойи матолар, хусусан атлас ва парчалар, чинни, лаъл, гавҳар ва мушк; Ҳиндистондан нафис оқ рангли ип матолар, нил буёқлар, хушбўй зираворлар (мускат ёнғоғи, қалампирмунчок, долчин ва анбар); Эрондан сурп, марварид ва дурлар; Русия, Татаристон ва Сибирдан қимматбаҳо мўйна тери ва мум олиб келинган. Европа мамлакатларидан Самарқандга олиб келинган моллар орасида фаранг газмоллари, мовути, Черкас пичоқлари бўлган. Самарқанддан чет мамлакатларга, хусусан, Русия, Татаристон ва Сибирга, асосан арзон нархли ип матолар, духоба, шойи, қоғоз, қурук мева, гуруч, пахта ва калава иплар чиқарилган. Мовароуннахр ва Хуросондан Хитойга йилки олиб кетилган.

Хулоса қилганда, мамлакатнинг иқтисодини кўтаришда ички ва ташқи савдо, ҳунармандчилик, деҳқончилик ҳамда чорвачиликнинг ривожланиши катта аҳамиятга эга бўлди. Бу даврда Мовароуннахрда ҳунармандчиликнинг ихтисослашиш жараёни тезлашиб, унинг кўплаб янги соҳалари вужудга келди. Баъзи ҳунармандчилик маҳсулотлари бадий етуклик даражасига кўтарилди. Ҳунармандчиликнинг юксалиши кўп жиҳатдан ички ва ташқи савдонинг умумий ҳолатига боғлиқ эди. Шунинг учун ҳам Темурийлар даврида мамлакатнинг иқтисодий ҳаётда муҳим ўрин тутган тижоратчиликнинг кенгайишига, шаҳарларда қарвонсаройлар, қарвон йўллари кесишадиган жойларда катта-кичик рабоблар, ёмлар, хонақоҳлар, чўл зоналарида сардобалар қурилишига, қарвонларнинг хавфсизлигини таъминлашга катта эътибор берилди.

#### Фойдаланилган адабиётлар

1. Муҳаммаджонов А. Темур ва темурийлар салтанати. — Т.: «Қомуслар бош таҳририяти». — 1996. — б. 65.
2. «Темур тузуклари». Т.: «Фофур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат». — 1996. — б. 73.
3. Муҳаммаджонов А. Темур ва темурийлар салтанати. «Қомуслар бош таҳририяти». — 1996. — б. 75.
4. Абдураззоқ Самарқандий. Матлаи Саъдайн ва Мажмаи Баҳрайн. (II жилд, биринчи қисм). (1405–1429 йиллар воқеалари). «O'ZBEKISTON». — 2008. — б. 377.
5. Муҳаммаджонов А. Темур ва темурийлар салтанати. «Қомуслар бош таҳририяти». «Қомуслар бош таҳририяти». — 1996. — б. 82.
6. Муҳаммаджонов А. Темур ва темурийлар салтанати. «Қомуслар бош таҳририяти». «Қомуслар бош таҳририяти». — 1996. — б. 84.